

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2022 йил 2 сон**



МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ

01.00.00

ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ

PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

1	<b>Mathematical logic, logical practices and formula</b> Abdunazarova D.T., Madrahimova M.A., Madrahimov Sh.Sh .....	3
2	<b>Инъектив ҳақиқий <math>w^*</math>-қисм алгебралар</b> Нуриллаев М.Э .....	7
3	<b>Viola-Jons algoritmini cheklangan resurslarga ega mikrokontrollerda tadbiqu.</b> Holmirzayev H.E., Botiraliyev X.A., Mamatov A.A .....	12
4	<b>Ikkinchi tartibli gronuoll chegaralanishli boshqaruvlar uchun tutish masalasi</b> Samatov B.T., Doliyev O.B., Egamov J.A .....	19
5	<b>Исследование научных аспектов создания оптронов с тонкими пленками</b> Найманбоев Р., Нурдинова Р.А., Искандаров У.У., Эргашев Ш. У., Тошпулатов Ш.М .....	23
6	<b>Dimensional quantization in a quantum well of hole conduction tellurium</b> Rasulov V.R., Rasulov R.Ya., Eshboltaev I.M., Kuchkarov M.Kh. ....	29
7	<b>Некоторые свойства функции карлемана</b> Жураева У.Ю. ....	35
8	<b>О некоторых краевых задачах для одного класса уравнений третьего порядка параболо-гиперболического типа в треугольной области с тремя линиями изменения типа</b> Мамажонов М., Шерматова Х.М. ....	41
9	<b>Одгга 3 тур чегара масала учун айирмали схема</b> Имомов А., Иномиддинов С., Настинов С., Махмудова Х. ....	51
10	<b>Оптоэлектрон тунда кўриш мосламаси</b> Онаркулов К.Э., Юлдашев Ш.А., Юлдашев А.А .....	56

КИМЁ ФАНЛАРИ

02.00.00

ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ

CHEMICAL SCIENCES

11	<b>Sianur kislota semikarbazonining cu(ii) kompleksi dft hisoblashlari va iq-spektroskopiyasi</b> Ganiyev B.Sh., Mardonov O`M., Ashurov J.M. ....	62
12	<b>Yengil neft distillatlarini gidrolizlash uchun samarali katalizatorni ishlab chiqish</b> Saydaliyev O. ....	73
13	<b>Исследование физико-химических свойств олигомеров на основе полисульфида натрия</b> Нормуродов Б.А., Тураев Х.Х., Джалилов А.Т., Пардаева Н.Ж .....	76



14	<b>Yog‘-mog‘ sanoati oqava suvlarini tozalash uchun mahalliy o‘simlik xom ashyosi asosidagi ko‘mirli adsorbent va defekat kompozitsiyasini qo‘llash.</b> Karabayeva M.I .....	82
15	<b>Маҳаллий хомашёлар асосида гидрогеллар олиш</b> Хусанова М.Ф., Ширинов Ш.Д., Бекназаров Х.С., Джалилов А.Т .....	85
16	<b>Орто-амино-орто-оксиазосоединения – как органический реагент</b> Атоев Э.Х .....	90
17	<b>Фосфорит кукунлари асосида олинган фаоллаштирилган фосфорли ўғитларни сифат кўрсаткичларига кальций нитрат эритмасини миқдори ва концентрацияларини таъсири</b> Тухтаходжаева Н.А, Абдуллажанов О.А, Султонов Б.Э., Нодиров А.А, Холматов Д.С., .....	93
18	<b>Эпр спектроскопические исследование структуры композиционных материалов на основе полимерных материалов</b> Камалова Д.И., Умаров А.В., Негматов С.С. ....	103
19	<b>Оддий фосфорит унидан клинкер усудда олинган экстракцион фосфат кислота асосида ўғитли преципитат олиш</b> Хасанов С., Султонов Б.Э., Холматов Д.С .....	106
20	<b>Исследование наполняющей способности аминокальциевых олигомеров</b> Абдукаримов Ж.Ш., Рамазанов Б.Г., Хайдаров А.А .....	113

**03.00.00**      **БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**  
**БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ**  
**BIOLOGICAL SCIENCES**

21	<b>Краткий обзор эколого-биологических характеристик представителей рода Salix l. Города ташкента</b> Адыгезалова З.П .....	117
22	<b>Қовоқнинг испанская-73 ва палов каду-268 навларида оқсиллар миқдорини аниқлаш</b> Қосимова Ш.М., Баратова М.Р .....	122
23	<b>Биоэнергетика почвенных незаменимых аминокислот в орошаемых сероземах</b> Хайдаров М.М., Юлдашев Г. ....	126
24	<b>Взаимосвязь биологических и морфо-анатомических параметров сортов плодовых деревьев при различных экологических условиях</b> Ёдгорова Д.Ш., Ўринова Х.Ш .....	131

**05.00.00**      **ТЕХНИКА ФАНЛАРИ**  
**ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ**  
**TECHNICAL SCIENCES**

25	<b>Автомобил йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда замонавий йўл тўсиқларининг аҳамияти</b> Эшанбабаев А.А. ....	137
----	---	-----



09.00.00

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ  
ФИЛОСОФИК ИЕ НАУКИ  
PHILOSOPHICAL SCIENCES**

26	<b>Форобий – шарқ уйғониш даврининг буюк мутафаккири</b> Бойгазиев Т.И .....	142
27	<b>Валеологиянинг фанлар тизимидаги ўрни</b> Садиқова А .....	148
28	<b>Социально-философские аспекты сокращение бедности в Узбекистане</b> Суяров З.Э .....	153
29	<b>Ўзбекистонда илмий педагогик элитанинг шаклланиши ва ривожланиш тенденциялари</b> Искандарова Д.М. ....	159
30	<b>Texnosferaning inson faoliyati mahsuli sifatida</b> Amonov R.S .....	167
31	<b>Аҳмад Дониш асарларидаги гуманистик ғоя ва қарашлар таҳлили</b> Бозоров Ш.С .....	171
32	<b>Миллий ғоя тарғиботининг ижтимоий-педагогик талқини</b> Камалов А.Ж .....	176
33	<b>Шахс ижтимоий моҳиятининг таркибий таҳлили</b> Мажитов М.А .....	181
34	<b>Проблема социализации философии виртуалистики.</b> Нормаматова М.Н .....	189
35	<b>Komplaensning psixologik xususiyatlari hamda psixologik mexanizmlari.</b> Qosimova N.D .....	196
36	<b>Хожа Аҳроп Валийнинг жалолиддин румий таълимотига муносабати</b> Рахмонов С.М .....	201
37	<b>Ўзбекистонда халқ билан мулоқот ўрнатишнинг янги даври</b> Яраш О.Й., Сапаев Ғ.Б .....	205
38	<b>Feyklar tarixi: ommaviy axborot vositalarida paydo bo`lish sabablari</b> Yunusaliyeva Sh .....	211



10.00.00

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**  
**ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ**  
**PHILOLOGICAL SCIENCES**

39	<b>Репрезентация положительной эстетической оценки человека (на материале пословиц русского и узбекского языков)</b> Абдуллаева Р.Х .....	217
40	<b>Pragmalingvistika o'zbek tilshunosligining alohida yo'nalishi sifatida</b> Pardayev A.B., Odinayev B.I .....	222
41	<b>Atamalar, neologizmlar, atoqli otlar va geografik joy nomlarini tarjima qilishning o'ziga xos xususiyatlari</b> Qaxxorova G.S .....	226
42	<b>Linguo-cultural properties of korean and uzbek proverbs (on the example of women)</b> Azimova P.A .....	231
43	<b>Euphemisms on the topic of animals in the english and uzbek languages</b> Dexqonboyeva O.M .....	234
44	<b>Ғози олим юнусовнинг ўзбек шеваларини ўрганишга оид тавсиялари</b> Гулноза Э.Ш .....	240
45	<b>Hozirgi zamon tilshunosligida qo'shma gap tarkibida qo'llaniladigan sintaktik stilistik vositalarning umumlisoniy tasnifi</b> Sobirova D.A .....	244
46	<b>Ingliz va o'zbek maqollarining lingvokulturalogik tahlilida til va madaniyatning o'rni</b> Gadoyeva M.I., Subxonova M.O .....	250
47	<b>Lingua-cultural analysis of phonetic, literal, descriptive and stylistic means in english and uzbek languages: lingua-cultural analysis of phonetic in uzbek language</b> Parpiyeva M.I .....	256
48	<b>Toponimik iboralarning lingvistik asoslari va ularning tarjimasi masalalari.</b> Haydarov A.A., Zaripova A.S. ....	261
49	<b>Lewis carroll is the author of literary fairy tales</b> Norova R.F .....	264
50	<b>Субстандарт атамалар ва уларнинг лингвистик кибер- луғатларда қўлланиши</b> Сатимова Д.Н .....	269
51	<b>Ingliz va o'zbek tillarida "Maqsad" konsepti doirasida foydalaniladigan frazeologik birliklar"</b> Nasridinov M.V .....	276
52	<b>Olam milliy manzarasining aksiologik xususiyatlari.</b> Rahmatova M.M., Inoyatova D. I .....	283
53	<b>Pragmatics and culture</b> Nizamova R.A .....	288
54	<b>Танатос назариясининг воқеланиши</b> Қобилова Н.С .....	292
55	<b>Taksis kategoriyasi lingvistik tadqiqotlar predmeti sifatida.</b> Xodjayeva D.I., Saidova Z.T. ....	297



18. Kuzibaevna O. G. Analysis of Effective Ways to Develop Students' Environmental Culture in Foreign Language Teaching //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE. – 2021. – Т. 2. – №. 12. – С. 37-43.
19. Обидова Г. Развитие экологической культуры в образовательных моделях развитых стран мира //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 10/S. – С. 251-256.

### **ТАНАТОС НАЗАРИЯСИНИНГ ВОҚЕЛАНИШИ**

Қобилова Наргиса Сулаймонбековна  
Инглиз тилишунослиги кафедраси доценти, Ph.D  
Бухоро давлат университети

**Аннотация:** Ушбу мақола олимлар томонидан “Танатос” ҳақидаги қарашнинг ўзбек адабиётида воқеланишига бағишланган бўлиб, мақолада истеъдодли ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романида Эрос ва Танатоснинг ўзаро кураши ҳақиқий муаллиф Абдулла Қаҳҳор томонидан маҳорат билан кўрсатиб бера олгани таъкидланган.

**Калит сўзлар:** адабиётшунослик, психоанализ, тадқиқ методи, танатос назарияси

### **ПОЯВЛЕНИЕ ТЕОРИИ ТАНАТОСА**

Кобилова Наргиса Сулаймонбековна  
Доцент кафедры английского языкознания, доктор философских наук.  
Бухарский Государственный Университет

**Аннотация:** Данная статья посвящена возникновению у ученых взглядов на “Танатос” в узбекской литературе и отмечает, что в романе талантливого писателя Абдуллы Каххора «Сароб» борьба между Эросом и Танатосом умело продемонстрирована настоящим автором Абдуллой Каххором.

**Ключевые слова:** литература, психоанализ, метод исследования, теория Танатоса.

### **MANIFESTATION OF THEORY THANATOS**

Kobilova Nargisa Sulaimonbekovna  
Associate Professor of the Department of English Linguistics, Doctor of Philosophy.  
Bukhara State University

**Abstract:** This article is devoted to the emergence of scientists' views on thanatos in Uzbek literature and notes that in the novel by the talented writer Abdullah Kakhhor “Sarob”, the struggle between Eros and Thanatos is skillfully demonstrated by the real author Abdullah Kakhhor.

**Key words:** literature, psychoanalysis, research method, Thanatos theory.

Миллий мустақилликка эришилгандан сўнг ўтган йиллар мобайнида барча соҳаларда бўлгани сингари адабиётшунослик соҳасида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. Бадий сўзга бирёқлама – шўровий мафкура нуқтаи назаридан ёндашиш тамойиллари чилпарчин бўлиб, сўз илмига жаҳон адабиётшунослигининг ранг-баранг илғор методлари кириб келди. Миллий адабиёт намуналарига герменевтика, семиотика, структурализм, психоанализ каби методлар орқали ёндашиш тамойили ривожлана бошлади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, бирор-бир таҳлил методи ёки услуби бадиий матн қаватларидаги мазмунни бирваракайига тўла қамраб олиши мумкин эмас. Ҳар бир метод асарни маълум бир жиҳатдан чуқур текширишга асос бўла олади, холос. Муайян бадиий асар замирида ётган чуқур ва қўламдор маъно-моҳият шу асарни турли методлар воситасида таҳлил қилиш орқалигина тўлалигича аниқланиши мумкин. Масалан, яқин ўтган юз йилликда ўз тадрижининг чўққисига кўтарилган анъанавий таҳлил усули асарнинг ғоявий мазмунини чуқур очиб берса; психоанализ ёрдамида инсон руҳиятининг муайян қаҳрамонда намоён бўлган сирли қаватларини, бадиий матн ва унинг муаллифи ўртасидаги мураккаб муносабатларни ёритиш мумкин; семиотика эса бадиий асардаги ҳар бир образ ёки деталь, тафсилот ёки унсурга маълум бир маънони ўзида мужассам этган белги-рамз деб қарайди ва шу рамзларни ечиш орқали бадиий матн “сир”ларини очиб боради ва ҳ.к.

Бугунги кунда бир неча тадқиқотлар даражасида текширилган айрим бадиий асарларнинг қайта-қайта янги кузатишлар, баҳс-мунозаралар объекти бўлаётганлиги ҳам аслида Истиқлол даври адабиётшунослигида мана шундай ранг-баранг таҳлил методларининг қўллана бошланганлиги билан изоҳланади. Бу баҳс-мунозаралар, янги таҳлил усуллари ва тадқиқотларни инкор этмайди, аксинча, чинакам санъат асарининг шакл ва маъно қирралари кўплигини, бадиий матннинг турли, ҳатто адабиётшуносликнинг специфик бўлмаган таҳлил методлари (м., психоанализ) учун материал бера оладиган тафаккур меваси эканлигини кўрсатади. Зеро, ҳақиқий санъат асари шундай чуқур мазмунли мураккаб ҳодисаки, унда хоҳлаган тадқиқотчи учун қизиқарли жиҳатлар ҳамма вақт топилади.

Ўзбек адабиётида қарийб юз йилдан буён баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган асарлардан бири – истеъдодли ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романидир. Образли қилиб айтганда, ушбу асар турли-туман тамойилларга асосланган тадқиқотчиларни бепоён саҳрода қолган кишидай чанқатгандан-чанқатиб юксак уфқ кучоғида жилваланган сароб янглиғ ҳануз ўз сирларини тўла очмай турибди.

“Сароб” психоаналитик жиҳатдан тадқиқотчи Нафиса Алиеванинг “Бадиий адабиётда психоаналитик метод” мавзuidaги номзодлик диссертациясида қисман таҳлил қилинган. Бизни қизиқтирган масала эса романда психоанализ(фрейдизм)даги танатос назариясининг намоён бўлишидир.

Тадқиқотчи Узоқ Жўрақулов яхлит бирликни ташкил қилувчи икки қарама-қарши куч – ҳаёт ва ўлимнинг психоанализдаги моҳиятини қуйидагича ифодалайди: “Фрейд инсоннинг ҳаётга бўлган интилишларини Эрос, ўлимга бўлган интилишини эса Танатос инстинкти, деб атайдди. Бир қарашда, ҳаёт ва ўлим абадий курашда, булар ўртасидаги мураккаб контраст ҳаёт диалектикасини белгилайдигандек тасаввур беради. Аммо Фрейд ушбу зоҳирий контраст асосида ўзгача мазмун – эстафета принципи бор, деб ҳисоблайди. Эстафета принципи деганда биз Эрос ўзининг навбатини Танатосга беришини тушунамиз. Яъни жонли мавжудотнинг ҳаёти қанча яшаса ҳам аста-секин сўлиб боради ва охир-оқибат аорганик оламга айланади. Эрос билан ифодаланувчи жинсий майллар ўзидаги ҳаёт элементларини бошқа организмга узатар экан, янги ҳаёт шаклини майдонга келтиради. Шунинг баробарида ўзи ва йўлдошининг ўлимга томон ҳаракатларини таъминлайди. Бу жараён Эрос ва Танатос ўртасидаги доимий ва ихтиёрий муносабатдир. Барча ҳаракатлар марказида турувчи либидо моҳиятини фақат Эрос

функцияси эмас, балки Эрос ва Танатос аро систематик бутунлик функцияси ташкил этади. Шу маънода, либидо инсоннинг ҳаётга бўлган интилишларидан қанчалик лаззатланса, ўлимга томон интилишларидан ҳам шунчалик лаззатланади” [1, 51].

Умуман олганда, Фрейд назариясига кўра, инсоннинг туғилиши анорганик олам(ўлик табиат)нинг органик олам(тирик табиат)га айланишидир. Пировардида, ҳар қандай тириклик, ҳаёт яна ўз аслига – органик мавжудот анорганик оламга қайтади. Бу табиат қонуни бўлганлигидан инсон ихтиёрсиз равишда ўз ўлимига интилади, ўзини инкор этади, ўз таназзулини тайёрлайди.

“Сароб” романи воқеалари бош қаҳрамон Раҳимжон Саидийнинг ҳалок бўлиши билан якунланади. Саидий худди Муниҳон каби ўзини ўлимга ҳукм қилади. Албатта, бу худкушликка олиб келган талай руҳий-психологик (ички), ижтимоий (ташқи) сабаблар бор.

Муниҳон билан бирга бўлиш орзуси аллақачон саробга айланган – бунга қиз ва Саидий ўртасидаги ижтимоий мавқе тўққинлик қилади, бинобарин, Муниҳон оламини хувилатганча аллақачон дунёдан ўтган; оламшумул ёзувчи бўлиш ҳақидаги хаёллар ҳам абас; ҳеч бўлмаганда, бой-бадавлат бўлиб яшаш имконияти ҳам янгиланган замон туфайли буткул йўққа чиққан – Саидийни ўзини ўлдиришга олиб келган уч асосий сабаб мана шулар. Саидий оилавий-ишқий ва ижтимоий ҳаётда муваффақиятга эриша олмаганидек, ўзига табиат ато қилган ижодий кучни ҳам реаллаштира олишдан маҳрум қилинди.

Сўнги кунларда ҳаётдан кўнгли совиган Саидийга “қўлини кўтариб папироснинг кулини қоқиш ҳам малол келар эди” [5,222]. Яна у Сорахонга “яшашдан чарчабман” дейди. Бир-икки кун ўтиб эса гул қўйиладиган столча устидаги ўзининг дўпписини кўриб қалбида ҳозиргина қабрга қўйилган одамнинг кийимини кўргандаги оғир бир ҳис туяди. Бир неча кунлар ичида бу ҳис янаям чуқурлашиб, Саидий уйда ўтирганда ҳам ўзининг тирик эканига шубҳа қила бошлайди. Кейин эса одамга қўшилмайдиган, ўзига ўзи гапирадиган бўлиб қолади. Муродхўжа домла ва унинг хотини Саидийга жиннилик ҳукмини берадилар. Бутун орзу-умидларидан, ҳаётининг мазмунини ташкил қилган нарсалардан айрилган Саидий руҳан бўм-бўш бўлиб қолади, ўзини ортиқчадек сеза бошлайди. Икки мисраси Саидийнинг хотирасида айланиб, кейин атайин топиб ўқилган маҳзун руҳли шеър ва оқшомда кўзғалган бўрон, ниҳоят, Саидийни қатъий қарорга олиб келади. Роман муаллифи икки мисра шеър ва бўронни кучли психологик деталга айлантира олган.

Яширин “милатчилар” ташкилотининг аъзолари қамоққа олинган; кундан-кунга ёмон хабарлар кела бошлаган; Муродхўжа домла ҳам Саидийдан қўлини ювиб қўлтиғига урган... Юзага келган ана шундай вазиятда – романнинг охириги сахнасида бўронда томнинг тунукаси кўтарилгани, уни бирор нарса билан бостириб қўйиш кераклигини айтиб, куёвидан жавоб ололмаган қайнасанга Саидий у чиқиб кетгач ўз ичида шундай жавоб беради: “...Қўй, мен оламга том тузатгани келганим йўқ, ундан тезроқ кетгани келганман” [5, 226]. Саидий тилидан айтилган “оламга келмоқ ва кетмоқ” жумласи психоаналитик жиҳатдан муҳимдир. Чунки худди ана шу жумлада Зигмунд Фрейд таълимотидаги инсон ҳаётининг анорганик – органик – анорганик олам айланишидан иборат эканлиги ҳақидаги қараш ўз ифодасини топган. Яъни инсон ҳаёти ўз бошланғичига, асл манбаига интилмоқда – бу Саидийни ҳаётдан кетишга чорлаётган ташқи, унинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган сабаб.



Адабиётшунос олим М.Олимов танатос ҳақидаги қарашнинг ўзбек адабиётида воқеланишига диққат қаратган: “Фрейд фикрича, инсонда бир куч, энергия мавжуд. Фрейд бу манфий энергияни инсон табиатининг доимий йўлдоши сифатида баҳолайди. Инсон табиатида ҳаётгий энергия бор, у шахс кутган тарзда ва йўналишда реаллашолмаса, шахс кутган натижаларни беролмаса, ўзини тўла ва мусбат тарзда намоён қилишга йўл тополмаса, шунда ўша шахснинг, ўша организмнинг ўзини емиришига тушади, яъни, афтидан, бу инсон табиатидаги бир-бирига доимий елкадош икки куч эмас, балки бир кучнинг соғлом ҳолда ва ўз-ўзининг инкорига айланиб носоғлом ҳолда фаолият кўрсатишидир. Бошқача, агар инсон ўз мақсадларига эришолмаса, у руҳан азобланади, депресияга тушади ва баъзи ҳолларда ўз-ўзига қасд қилади. Масалан, ўзбек адабиётида шу манфий энергиянинг керакли тарзда ўзини намоён қила олмаслиги қуйидаги ҳолатларга олиб келган. Мунисхоннинг ўз-ўзини отиб ўлдириши, Муқаннанинг “ёв қўлига таслим бўлишидан кўра” гулҳанда ёниб кул бўлишни афзал кўриши, Хуршидабонунинг захар ичиши шу мотивнинг адабиётда азал-азалдан тасвирланиб келган кутбий кўринишларидан. Лекин Отабекнинг қайнотаси томонидан дарвозаданоқ ҳайдалганидан кейин ўн-ўн беш кунлаб бўзахонанинг сокинларидан бирига айланиши, Саидий кириб қолган муҳитда ичкиликка бунчалар ружу қўйилиши, Бобурнинг май ва маъжун базмлари уюштириши кабиларда ҳам шу яширин майини кўришимиз мумкин [2, 101]. Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, психоанализга кўра, ўлимга интилиш инсоннинг табиатида мавжуд бўлган азалий хоҳиш бўлиб, бу хоҳиш ихтиёрсиз тарзда юз кўрсатади. Масалан, одам ичиш, чекиш, аччиқ-шўр нарсаларни ейиш ва шу каби турли ҳаракатлар соғлиқни емиришини билиб туриб ҳам ўзини бу ишлардан тия олмайди; хавфли пойгалар, спорт ўйинлари, хатарли саёҳатлар-саргузаштларга ўчлик кабиларни ҳам шу жумлага киритиш мумкин. Одам бу хатти-ҳаракатлар озми-кўпми ўлимга олиб борадиган йўлни қисқартиришини билади, аммо онгли равишда бунга йўл қўйиб беради – бунда онг ва онг ости олами ўзаро кураш олиб боради. Булар ҳеч бир сабабсиз ўз ҳаётини емиришга майл кўрсатишда туюлади. Психоаналитик нуқтаи назардан қарасак, бундай ғалати ҳаракатларнинг замирида муҳим сабаб – инсон табиатида азалдан мавжуд бўлган ўз бошланғич ҳолатига қайтишдан иборат хоҳиш ётади.

Саидий бир неча марта ўз-ўзини маҳв этишга қарор қилган, аммо “шу фикр бошига келганда кўнгли ҳаминша иккига бўлиниб, бири шу фикрни тасдиқлагандай сукут қилса, иккинчиси “... тўхта!” дер эди” [5, 226]. Аммо бу сафар “унинг кўнгли бир бутун бўлиб пичирлади: “Ҳаёт жомини кўтардинг, унинг шарбатини татиб кўрддинг, шунақа, ичган сайин тагидан тахири чиқа беради. Бас, энди, *ҳаёт бозоридан харид қилиб бўлдинг*, энди бемаҳалга қолмасдан *қайт!*.. (курсивлар бизники – Н.Қ.)” [5, 226.]

Курсив билан ажратиб кўрсатилган сўз ва жумлалар романда ўлим мотиви психоанализга мувофиқ ҳал қилинганлигини кўрсатади. Чунки бозор – шундай маконки, одам унга вақтинчаликка киради, бозор ҳеч бир киши учун доимий яшаш жойи бўлиши мумкин эмас. Адиб томонидан қўлланган “*ҳаёт бозори*” деган истиоранинг ўзиёқ ҳаёт (Эрос) анорганик оламнинг ўзгарган, вақтинчалик ҳолати эканлигини; “*қайт*” деган даъват эса бошланғич ҳолат(Танатос)га интилиш эканлигини тасдиқлайди.

Қирчиллама йигит ёшидаги зоту зурёдсиз Саидий ўз ҳаётига оид қатъий ҳукм чиқаргач, на инқилаб ётган опасини, на қизил аскарлар қуршовида кетаётган – қўлган

олинган Муродхўжа домла ва Ёқубжонни сезмасдан, қорбўрони ваҳима билан кутураётган зулматда аниқ мақсад билан дарё тарафга қараб йўл солади.

Абдулла Қаҳҳор шу эпизодда жуда эътиборли психологик деталь ишлатади. Саидий зинадан тушаётиб йиқилади, турмоқчи бўлиб темир панжарадан ушлаганда, кўли совуқ туфайли панжарага ёпишиб қолади. Саидий шундай ёшда ва яратиш энергияси билан тўла эдики, кўринмас бир куч гўё уни тутиб қолмоқчи, ҳалокат йўлидан қайтармоқчидай. Аммо Саидий “кўлини зўр билан ажратиб” олиб, кейин эса эмаклаб, қорларга кўмилиб илгарилаб кетади. Худди тушидагидай унга юрган йўли кўпаймаётган каби туюлади. Шу тарзда Саидий ўз ўлимига ихтиёрий, ҳатто орзиқиб, ҳар қанча машаққатни писанд қилмасдан пешвоз бораверади.

Роман финалидаги яна бир жумла психоаналитик жиҳатдан аҳамиятли: “Иродаси уни олға, аллақандай бир куч орқага тортар эди”. Демак, Саидийни ўзига бўйсунмаётган ички бир куч олға бошлаб борар эди – адиб бу кучни шартли равишда ирода деб атайтиди; бу сўзнинг шартлилиги шундаки, Саидий тушган руҳий ҳолатда уни ирода эмас, унинг ихтиёридан, иродасидан ташқаридаги ғайриихтиёрий кучгина бошқариб бориши, ўлимга томон мана шундай жадалликка ундаши мумкин эди.

Умуман, романнинг мана шу охириги эпизодида Эрос ва Танатоснинг ўзаро курашини Абдулла Қаҳҳор ҳақиқий руҳият рассомидедек маҳорат билан кўрсатиб бера олган. Қизиғи шундаки, мазкур талашда Саидийда “ҳаёт бозоридан қайтиш” – ўз бошланғичига интилиш майли устун келади: “у ўлим хавфидан қочганида ҳам бунчалик тез юрмаган”. Бу майл шунчалик ғалаба қиладики, унга ҳатто юрган йўли кўпаймаётгандек туюлади. Алалоқибат, Танатос ғалаба қилади.

Ушбу кузатишлар охирида шуни таъкилаш лозимки, Абдулла Қаҳҳорнинг фрейдизмдан хабардор ёки хабардор эмаслиги ҳақида ҳозирча бирор қайд ёки маълумотга эга эмасмиз. Абдулла Қаҳҳор психоанализ отаси Зигмунд Фрейднинг ёш замондоши бўлса-да, собиқ шўролар мамлакатига XX асрнинг 20-йилларидан эътиборан фрейдизм тақиқланганини эътиборга олсак, адибга психоаналитик қарашлар маълум бўлган, дейиш ҳақиқатдан бирмунча йироқдек кўринади. Бизнингча, Абдулла Қаҳҳор инсон руҳиятининг билимдони эди ва у, ёш бўлишига қарамасдан (адиб романни 23 ёшда ёза бошлаб, 27 ёшда туталлаган), ўз қаҳрамонлари психологиясини санъаткорнинг савқи табиийси билан ҳар қандай илму фан эътироф этадиган даражада чуқур ва ҳаққоний тасвирлай олди.

#### **Адаби ётлар рўйхати :**

1. Жўрақулов У.Худудсиз жилва.- Т., Фан, 2006.
2. Олимов М. Ҳозирги ўзбек адабиётига пафос муаммоси // Фил.фанлари номзоди... дисс. – Т., 1993.
3. Фрейд З. Введение в психоанализ. Лекции. – Москва, Наука, 1991.
4. Фрейд З. Психология бессознательного. – М., Просвещение, 1989.
5. Қаҳҳор А. Сароб. – Т., “Шарқ” нашриёт-матбаа кооперативининг бош таҳририяти, 1995.
6. Azimova Nozima Hikmatovna, Nargis Sulaymonovna Kobilova, (2021), SOCIO-CULTURAL ASPECTS OF LINGUOCULTURE "CLOTHING" IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES, ELECTRONIC JOURNAL OF ACTUAL PROBLEMS OF MODERN SCIENCE, EDUCATION AND TRAINING, 18-21. <http://khorezmscience.uz/archive/1635782433.pdf>

7. Ibragimova Gulshan Raimovna Qobilova Nargisa Sulaymonbekovna,(2021).COGNITIVE DISSONANCE AND PRAGMATIC INFLUENCE,ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal,902-908. <https://saarj.com/wp-content/uploads/paper/ACADEMICIA/2021/ABSTRACT/ACADEMICIA-OCTOBER2021/10.136,%20Qobilova%20Nargisa%20Sulaymonbekovna.pdf>
8. Kobilova, N. S. (2016). LITERARY INTERPRETATION OF SOCIAL PSYCHOLOGY IN THE NOVEL " MARTIN EDEN". World science, 4(3 (7)), 52-53. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=25619815>
9. Kobilova, N. S. (2018). BENEFITS OF USING SONGS IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES TO YOUNG LEARNERS. In Инновационные подходы в современной науке (pp. 102-107). <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=35081671>
10. Saidova, Mukhayyo Umedilloevna (2020) "LEXICOGRAPHIC AND ETHYMOLOGICAL ANALYSIS OF THE CONCISE OXFORD DICTIONARY OF LITERARY TERMS BY Ch. BALDICK," Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 2 : Iss. 9 , Article 45. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/45>
11. Saidova, Muhayyo (2021) "SEMANTIC ANALYSIS OF LITERARY TERMS BY LITERARY TYPES IN "THE CONCISE OXFORD DICTIONARY OF LITERATURE TERMS"," Philology Matters: Vol. 2021 : Iss. 1 , Article 11.DOI: 10.36078/987654486 Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2021/iss1/11>
12. Khaydarov, Anvar Askarovich (2020) "EXPRESSION OF CONNOTATIVE MEANING IN ONOMATOPOEIA," Scientific reports of Bukhara State University: Vol. 4 : Iss. 5 , Article 5.DOI: 10.52297/2181-1466/2020/4/5/5 <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss5/5>

#### **TAKSIS KATEGORIYASI LINGVISTIK TADQIQOTLAR PREDMETI SIFATIDA.**

Xodjayeva Dilafro'z Izzatilloevna

Buxoro davlat universiteti, filologiya fanlari nomzodi

e-pochta: khodjaeva@gmail.com, tel: 90 298 9462

Saidova Zokira Tolibovna

Buxoro Davlat Universiteti, II bosqich magistratura talabasi

e-

pochta:zakira.s.t@gmail.com, tel: 93 478 3525

**Annotatsiya:** Dunyo filologiya fanida bugungi kunda insonning nutqiy faoliyati va olamning lisoniy manzarasini tasvirlash imkoniyatlari bo'yicha fundamental ishlarni amalga oshirishga bo'lgan intilish yanada ortgan. Shu bois taksis, fazaviylik, sub'ektlik, ob'ektlik, temporallik, lokativlik, modallik, aspektuallik, intensivlik, maqsad, sabab, shart va boshqa shu kabi funksional-semantik kategoriyalar tahlili va tadqiqi hamda ushbu hodisalarning ontologik mohiyatini anglash va aniqlash, ularning tillararo munosabatini ochib berish masalasi yanada dolzarblashib, kelgusidagi tadqiqotlar istiqbolini belgilab bermoqda.

**Kalit so'zlar:** kategoriya, bir vaqtlilik, ketma-ketlik, mustaqil va tobe' taksis, ustuvorlik va uzilish, uzluksiz bog'liqlik, temporal taksis, funksional-semantik kategoriya, simul'tan taksis, prior taksis, posterior taksis.